XALQ DEPUTATLARI OLMAZOR TUMANI KENGASHINING QARORI

Toshkent 100095, Kichik xalqa yo‘li ko‘chasi, 1-uy. Tel.: (71) 207-31-41

2022 - yil 30 - iyun VI-61-91-14-197-K/22 Olmazor tuman hokimligi

Олмазор туман маҳаллий бюджетнинг 2022 йилдаги қўшимча маблағларни харажатларга йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексининг 119, 126-моддалари, туман ҳокими биринчи ўринбосарининг билдиргисига асосан Халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимлигига, Олмазор туман ҳокимлиги биносини қўриқлашда хизмат қилаётган Миллий гвардия Тошкент шаҳар қўриқлаш бошқармаси 4-алоҳида баталёни саф бўлинмаларини жорий йил давомида вужудга келган қарздорликни қоплаш ишлари учун 20,1 млн (йигирма миллион бир юз минг) сўм;

Олмазор тумани Қўриқлаш бўлими 2-отряд шахсий таркиби билан 1 та 8 соатлик қўриқлаш пости учун 42,5 млн (қирик икки миллион беш юз минг) сўм тўлаб берилсин.

2. Туман Халқ таълими бўлимига, 22-сонли ихтисослаштирилган давлат умум таълим мактаби биносини таъмирлаш ишлари учун 695,4 млн (олти юз тўқсон беш миллион тўрт юз минг) сўм тўлаб берилсин.

3. Олмазор тумани ҳокими мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган харажатлар учун Олмазор тумани маҳаллий бюджетида жорий йил давомида шаклланган қўшимча маблағлар ҳисобидан маблағ тақсимлаш юзасидан

қарор қабул қилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши Котибияти ва Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Назаров) ва Олмазор тумани ҳокими биринчи ўринбосари А.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi **A. Umarxonov**